
Қарздорни гаровдаги мулки хатланди

Бюронинг Ўзбекистон тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 07.12.2022 йилги қарздор Ғ.М.дан ундирувчи АТБ “Капиталбанк” фойдасига 117.106.682 сўм кредит қарзни ундириш, ундирувни гаров мулки бўлган қарздорнинг “LACETTI” русумли автомашинасига қаратиш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича бюро томонидан қарздор огохлантирилган.

Лекин, қарздор кредит қарзини бартараф этиш чораларини кўрмагач, олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 28.04.2023 йил куни “LACETTI” русумли автомашина хатланган ва жарима майдонига олиб кирилган.

Хозирда ушбу мулкни аукцион савдога чиқариш чоралари кўрилмоқда.

МИБ Ўзбекистон тумани бўлими

2023-04-29 20:23:37